Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 237 (13.499).

1966 ОКТЯБРЬ 16 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ—ПОЛЬША ҚАРДОШЛИГИ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА МИТИНГ

Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларини мустаҳкам иттифоқ ва қардошларча дўстлик бирлаштирди. Ўз революцион марксча-ленинча партиялари теварагига маҳкам жипслашган бизнинг халқларимиз тинчликни ва бутун инсоният учун яшаш ҳуқуқини ҳимоя қила туриб, биргаликда, қўлни-қўлга бериб олга бормоқдалар.

Москва жамоатчилигининг вакиллари 15 октябрда икки қардош мамлакат давлат байроқлари билан байрамлардагидек безатилган Кремлдаги Съездлар саройида халқ Польшаси партия-ҳукумат делегациясини табриклаганларида Совет — Польша қардошлиги зўр куч билан намоён бўлди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари З. Клишко, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша халқ республикаси ташқи ишлар министри А. Рапацкий, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган ишчи партияси Катовице воеводлиги комитетининг биринчи секретари Э. Герек ва бошқалар президиумда пайдо бўлганларида одамлар билан лиқ тўлган залда қизғин қарсаклар бошланди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин ўртоқлар, партия, давлат, жамоат арбоблари поляк дўстлар билан бирга президиумдаги жойларни эгаллайдилар.

Митингни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев очди.

Зал гумбавлари остида Польша Халқ Республикаси ва СССР давлат гимнлари янграйди.

«Серп и молот» заводи «450» станининг оператори А. Д. Белоусов ва Москвадаги Серго Орджоникидзе номли авиация институтининг ректори, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси И. Ф. Образцов поляк ўртоқларимизни табриклаб нутқ сўзладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлайди.

Яхши, мустаҳкам дўстлик ва самарали ҳамкорлик бизни энг яқин қўшнимиз — Польша халқи билан боғлаганлиги, дейди нотиқ, биз, совет кишиларини астойдил қувонтиради. Бу муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет— Польша шартномасида мустаҳкамланди. Биз бу шартномани қардошлигимизнинг хартияси деб билиб, ғоят қадрлаймиз. СССР билан Польша ўртасидаги дўстлик Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди.

Делегацияларимизнинг музокаралари тугалланган ҳозирги пайтда ана шу совет—поляк учрашуви ҳам муваффақиятли ва самарали бўлди, деб мамнуният билан айтиш учун тўла асосга эгамиз. Музокараларнинг кун тартибида СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама хўжалик алоқаларини яна-да кенгайтириш масалалари катта ўрин олди. Бу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилганлиги мамлакатларимизнинг ҳаёти учун қандай катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Биз поляк халқининг муваффақиятлари билан қувонганимиз ҳолда Польша меҳнаткашларининг жанговар авангарди — Польша Бирлашган ишчи партиясини зўр иззат-ҳурмат қиламиз. Польша Бирлашган ишчи партияси жамиятнинг барча илғор кучларини ўз теварагига жипслаштирди ва мамлакатни социализм йўлидан дадил бошлаб бормоқда. Польша Бирлашган ишчи партияси ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона жанговар традицияларга эга бўлган партиядир. Бу партия поляк халқи билан биргаликда уруш йиллари ва фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг барча машаққатларига бардош берди, Польшани тиклаш ва янги йўлга солиш учун, унинг порлоқ социалистик истиқболи учун олиб борилган курашга зўр қатъият билан бошчилик қилди. Поляк коммунистларининг марксизм-ленинизмга садоқати, уларнинг илмий социализм позицияларини сабот билан ҳимоя қилаётганликлари, пролетар интернационализми принципларини изчиллик билан амалга ошираётганликлари туфайли Польша Бирлашган ишчи партияси жаҳон коммунистик ҳаракатида катта обрў қозонди.

Партияларимизнинг мустаҳкам жанговар иттифоқи халқларимизнинг бахт-саодати йўлида, улуғ муштарак ишимиз — тинчлик ва халқлар озодлиги, кишилар ижтимоий ҳаётининг энг илғор ва энг ҳаққоний формалари — социализм ва коммунизмнинг тўла тантанаси манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамлана беради.

Советлар мамлакати, Ленин мамлакати, дейди яна Л. И. Брежнев, жўшқин тўлақонли ҳаётда яшамоқда ва ўзининг Коммунистик партияси раҳбарлигида ўз давлатининг 50 йиллигини коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришдан иборат буюк ишда янги катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Саноат соҳасида шу йилнинг дастлабки якунлари янги беш йиллик олга қараб дадил шаҳдам қадам қўйганлигини кўрсатади. Дастлабки тўққиз ой саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича яхши кўрсаткичлар билан туталланди. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,3 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги шу давр ичида 5 процент кўпайди. Биз иқтисодий ислоҳотни ғоявий кенг кўламда амалга оширишга киришдик. Бу ислоҳот халқ хўжалигига самарали таъсир кўрсатмоқда. Бизда қийинчиликлар ҳам бор, албатта, аммо бу қийинчиликлар том маъноси билан ўсиш қийинчиликларидир ва биз бу қийинчиликларни бартараф қилиш соҳасида жонбозлик билан ишламоқдамиз. Умуман олганда бизнинг саноатимиз КПСС XXIII съездининг Директиваларида кўрсатилган йўлдан оғишмай бораяпти.

Ҳозирги қишлоқ хўжалик йили ғоявий аҳамиятли ва ҳаётий муҳим бўлган воқеа бўлиб қолди. Социалистик қишлоқ меҳнаткашларининг зўр ғайрат билан қилган ишлари жуда яхши самара берди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турлари бўйича ўнгидаги таъминланди. Биз тўла ишонч билан шу гапларни айта оламиз.

Бизнинг колхоз ва совхозларимиз ҳақиқатан ҳам ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. 10 октябргача давлатнинг ғалла омборларига тўрт миллиард беш юз миллион пуддан кўпроқ, ёки янги ҳосилдан 74 миллион тоннадан кўпроқ дон тўкилди. Бизнинг мамлакатимизда бунчалик кўп миқдордаги ғалла биринчи марта тайёрланди.

Шу нарса жуда муҳимки, ғалла тайёрлаш ҳосилдорликни ошириш натижасида анча кўпайди. Қишлоқ меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг шундан аввалги ҳамма йиллардагига нисбатан дон экиладиган энг юқори ҳосил етиштирдилар. Мамлакатимизда олинган ялпи дон ҳосили шундан аввалги ҳосилдор йиллардагидан анча ортиқдир Ўртоқлар, бу Ватанимизнинг жуда катта ютуғидир.

Колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, луб ва бошқа экинлардан яхши ҳосил етиштирилди. Чорвачилик соҳасида ҳам сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди, чорва мол, сут, тухум ва жун тайёрлаш кўпайди.

Совхоз ва колхоз ходимлари, механизаторлар, мутахассисларнинг, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кўп миллионли бутун армиясининг уюшқоқлик ва аҳиллик билан қилган меҳнати муваффақият қозониш учун катта имкониятлар яратиб берди. Шуни очиқ айтиш керакки, улар бу йил жуда яхши меҳнат қилдилар. Ана шу катта меҳнат зафари учун, деди Л. И. Брежнев, жуда яхши натижалар учун биз уларга партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан, бутун совет халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор қиламиз ва уларни астойдил қутлаймиз!

Бу ишда ишчилар синфимизнинг ҳам хизмати жуда катта. Ишчилар синфи колхоз ва совхозларни қишлоқ хўжалик техникаси билан, ўғитлар ,транспорт воситалари ва бошқа ҳамма нарсалар билан таъминлади. Булар бўлмаганда бунчалик мўл ҳосилни етиштириш ва йиғиштириб олишнинг иложи бўлмас эди.

Партия ташкилотлари бу йил қишлоқда катта сиёсий, иқтисодий ва ташкилотчилик ишлари олиб бордилар.

Умуман, қишлоқ хўжалик йилининг якунлари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда колхозчиларнинг активлиги ўсди , партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатига ишонч мустаҳкамланди. Ўртоқлар, биз буни ҳар нарсадан кўра кўпроқ қадрлаймиз. Эндиликда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун, келгуси йил қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш йили бўлиб қолмоғи учун бутун куч-ғайратни сарф қилиш муҳимдир.

Бизнинг халқларимиз — қардош халқлар ва иттифоқдош халқлар бўлиб, деб сўзини давом эттиради нотиқ, айни бир хил ният билан яшамоқдалар. Совет Иттифоқи ва Польша раҳбарлари замонамизнинг барча энг муҳим проблемаларига баҳо беришда тамомила яқдилдирлар.

Польша, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Европа хавфсизлигини таъминлаш йўлида зўр ғайрат билан қилаётган ҳаракатлари яхлит бир кучга айланди ва Бухарест декларациясининг аниқ ва равшан баён этилган қоидаларида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Биз бу декларацияни амалга оширишни Европа ишларига доир сиёсатимизда биринчи ўринга қўямиз.

АҚШ президенти яқинда сўзлаган нутқида бир қанча халқаро масалаларга, шу жумладан Европадаги аҳволга тўхталиб ўтди. «Жаҳон ўзгармоқда,— деб эътироф қилди у,— янги кучлар пайдо бўлмоқда, янги мамлакатлар, янги орзу-тилаклар, янги кишилар вужудга келмоқда». Бу гап урушдан кейинги Европага нисбатан, шунингдек Осиё ва Африкага нисбатан тўғри, албатта. Аммо афсуски, Вашингтонда ана шу хал этувчи фактдан мантиқий хулосалар чиқариб олганликлари кўринмаяпти. Бунинг аксича, АҚШ ҳукуматининг ана шу нутқда акс эттирилган позицияси Америка империализми ҳеч ким таклиф этмагани ҳолда Европа ишларини тартибга солувчи ролига ҳали ҳам даъвогар эканлигини очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

(Охири иккинчи бетда).

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчи-си Икром Саидов мавсумда 150 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган эди. У ўз сўзининг устидан чиқиш учун биринчи кундан бошлабоқ жонбозлик билан меҳнат қилаётир. Унинг ҳар кунги терган пахтаси 5.6 тоннадан кам бўлмаётир. Суратда: илғор механизатор ўртоқ Икром Саидов.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўртоқ Аҳмад Валиев Ильич район милиция бўлимининг ходими. У, ўз меҳнат отпускасини пахтакорлар га ёрдам бериш билан ўтказишни ният қилди. У, ҳозир пахта далала рида «зангори кема»ни бошқариб, нунига 8-9 тоннадан пахта тераётир. Ҳаммаси бўлиб 250 тонна пахта теріб бермоқчи: Суратда: ўртоқ Аҳмад Валиев.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

УЛКАН ХИРМОНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан буён, тўртинчи стун—бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	1,51	92,28	1,58	112,71
Тошкент	1,62	89,93	1,58	105,81
Сурхондарё	1,75	83,01	2,04	90,97
Бухоро	1,71	78,80	2,42	95,92
Самарқанд	2,23	78,38	2,29	78,54
ҚҚ АССР	2,92	77,32	3,59	68,28
Фарғона	1,76	73,44	3,14	83,23
Андижон	1,73	72,37	3,22	86,33
Сирдарё	2,08	70,30	2,19	80,84
Хоразм	2,88	65,50	3,16	46,96
Республика бўйича	1,97	76,53	2,53	83,66

ҲУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика **Ҳурмат Тахтасига ёзилдилар:**

Шаҳрисабз райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **З. Сирожиддинов** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Б. Элбоев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. О. Аметов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Н. Эшбобоев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Я. Х. Бедросов**).

Тахтакўпир райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Давлетмуратов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Д. Жолхўжаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Б. Фозилов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Раимбердиев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **К. Нуримбетов**).

Оққўрғон райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. М. Тоиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **И. Юнусов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Сонбназаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Хўжақулов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **В. П. Рогачев**).

Бўз райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Исмонлов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Раҳимов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ф. Қодиров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Я. Мўминов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Қўзиев**).

ҒОЛИБЛАР РАПОРТИ

КАТТА ЗАФАР

Биз бугун шуни шодлик билан қайд қиламизки, районимизнинг азамат пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми ва партиямизнинг тарихий XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин шараф билан адо этдилар. Райондаги колхоз ва совхозлар ҳозиргача давлат омборларига 63 минг тонна қимматбаҳо «оқ олтин» тўкдилар. Бу йиғиб-териб олинган ҳосилнинг 43 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар билан терилди.

«Ленинград», «Озод», «Партия XXIII съезди», Ленин номли, Охунбобоев номли, Навоий номли, Калинин номли, «Коммунизм», «Москва», «Победа», «Гулистон» колхозлари йиғиб-терим суръатини сира кутилмаган даражада тезлатиб, районда пахта тайёрлаш планининг қисқа муддатда бажарилишини таъминладилар. Айни пайтда улар мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози район хирмонига катта ҳисса қўшди.

Ҳамма хўжалик раҳбарлари машинанинг хизматини ва фазилатини тушуниб олдилар. Барча механизаторлар и м и з унинг куч-қудратини намойиш қилмоқдалар. Ҳозир пахтазорларимизда 950 та пахта териш машинаси жавлон уряпти. Айни кунларда 255 та ерга тўкилган пахтани териб оладиган, 190 та кўрак терадиган машина ишлатилмоқда. Шу туфайли оғиримиз енгил, йиғиримиз яқин бўляпти. Машина билан пахта теришда маҳорат кўрсатиб самарали меҳнат қилаётган механик-ҳайдовчилар кўп.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари асосида колхоз ва совхозларда моддий рағбатлантириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилиши, бригада ва звеноларда хўжалик ҳисоби жорий этилиши жуда катта ижобий роль ўйнади. Бу тадбирлар одамларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини ошириб юборди. Уларни ҳавас ва ихлос билан, ташаббус кўрсатиб астойдил ишлашга рағбатлантирмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида партиявий-сиёсий ишлар савиясининг кўтарилиши, бошлангич партия ташкилотлари ва маҳаллий Советлар ролининг оширилиши ишимизнинг янада юриши кетишига катта ёрдам берди.

Районимизда илгари ҳосилдорлик пасайиб кетган, 1962 йилда ҳар гектар ердан 17 центнердан пахта олинган эди. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинди. Ўтган йили район бўйича ҳар гектар ердан 24,1 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Илгари қолоқ ва камҳосилли ҳисобланган «Партия XXII съезди», «Озод», Куйбишев номли, Ҳамид Олимжон номли колхозлар ҳозир район даражасига етиб олдилар. Ҳосилдорлик соҳасида жиддий бурилиш ясадилар.

Лекин, районнинг марказий қисмига жойлашган Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, Калинин номли, Навоий номли, «Гулистон» сингари бир қатор колхозлар, «Коммунизм» совхози ҳосилдорлик жиҳатидан район даражасидан беш-олти центнер орқада қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам машина билан пахта теришда юксак маҳорат кўрсатган район меҳнаткашлари олдида ҳосилдорликни кескин кўтаришдек жуда муҳим ва мураккаб вазифа турибди.

Биз бугунги кунда бундан кейин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирмоқчимиз. Чунки эришилган ғалабалар ҳали бизни тўла қаноатлантира олмайди. Энди техниканинг қудратини, деҳқонларимизнинг маҳоратини ҳосилдорликни ошириш, илғор районлар даражасига етиб олиш учун курашда намойиш қилишимиз лозим. Бизнинг ниятимиз, мақсадимиз, улкан вазифаларимиз шундан иборат.

Оққўрғонликлар м а р р а г а етиб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Улар пландан ташқари яна 7 минг тонна пахта тайёрлаш, ҳосилдорликни район бўйича 25 центнерга, машина билан териб олинадиган пахтани 50 минг тоннага етказиш учун курашяптилар. Айни вақтда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратадилар. Ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори мана шу вазифаларни адо этишга қаратилган.

С. ТОИРОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

И. ЮНУСОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

А. СОИБНАЗАРОВ,
район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

ҚИРҚ БЕШ КУНДА

Шаҳрисабзликлар пахтачилик билан кўпдан бери шуғулланиб келадилар. Аммо улар ҳеч қачон бу йилгидек мўл пахта етиштирган эмаслар. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, 45 кун мобайнида 69 минг тонналик хирмон уюлиб давлат плани тўла бажарилди.

Йиллик план асосан биринчи ва иккинчи терим ҳисобидан бажарилди ва 97 процентдан зиёд пахта биринчи сортга ва уруғлик учун қабул қилинди.

Районимиз пахтакорлари даладаги ҳосилнинг мўллигини ҳисобга олиб, ўз мажбуриятларини яна қайта кўриб чиқдилар. Йил бошида биз беш йиллиқнинг биринчи йилида 70 минг тонна пахта сотамиз, деб сўз берган эдик. Ёзга келиб ғўзаларимиздан кўнглимиз тўқ бўлгач, хоразмлик пахта усталарининг ва улар кетидан таниқли механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган даъватларига амалий жавоб бериш мақсадида 75 минг тонна юзасидан мажбурият олдик. Бугун эса 75 минг эмас 80 минг тонна дурдона берамиз демоқдамиз. Демак, эндиги ҳамма ҳаракатимиз улуғ Октябрнинг 49 йиллиги байрамигача, яъни республикамизнинг 3 миллион 750 минг тоннали хирмони тиклангунча яна 11 минг тонна пахта беришга қаратилади.

Бу йилги энг катта ва муҳим ғалабаларимиздан бири шу бўлдики, районда пахта теримини механизациялаш сари жиддий бурилиш ясалди.

Бунинг қанчалик самара берганини шу кунгача район пахтани машинада териш планини бир ярим ҳиссадан ошириб қўйганлигидан, ўтган йилгига нисбатан бункерлардан 5 баравар кўп пахта тўкилганидан, ҳозирнинг ўзида ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 51 тоннадан пахта териб қўйилганидан ҳам сезиш мумкин. Ҳар йили етиштирилган пахтанинг қариб ярмини ҳашарчилар, ёрдамчилар кучи билан териб олиб, бу ишга катта маблағ сарф этилар эди, Навоий номли, Ленин номли, Энгельс номли, Киров номли ва бошқа бир қанча колхозлар бу йил машинага таяниб иш кўриш натижасида четдан теримчи жалб этмай, планни қисқа муддатда муваффақиятли бажардилар.

Биз бу ютуқни янада мустаҳкамлаш учун келаси йили ҳосилнинг 50 процентини машинада териш ниятидамиз. Шуни ўйлаб, 1967 йилда пахта териш машиналари сонини ҳозирги салкам 300 дан 600 тага етказмоқчимиз.

Беш йилликнинг биринчи йили райондаги қолоқ хўжаликларни илғорлар сафига ўтказиш йили бўлди. «Пахтакор», Калинин номли ва «Социализм» колхозлари сўнгги бир неча йил ичида айрим сабабларга кўра қолоқлашиб қолган эди. Ишчан кадрлар билан мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ёрдам бериш натижасида бу хўжаликларни қолоқликдан чиқариб олдик. Шу колхозлар бу йил ҳар гектар ердан 1965 йилдагига нисбатан ҳозирнинг ўзидаёқ 5-6 центнер кўп пахта тоширидилар.

Район пахтакорлари ҳар гектар майдондан ўртача салкам 31 центнердан ҳосил олишига асос бўлган омиллар нима? Биринчи омил шу бўлдики, колхозларимиз чигитни қулай муддатда — 6 иш кунида сифатли экиб олдилар. Иккинчи омил— то пилла қурти боқишга киришилгунча ҳамма майдондаги ғўза ягана ва биринчи комплекс парваришдан чиқарилди. Учинчи омил — 10 июлгача, яъни ўтган йилгидан бир ой олдин экинга мўлжалланган маданий ва маҳаллий озуқани бериб бўлдик.

Районимиз пахтадан ташқари пилла, дон, тухум, жун, узум, полиз маҳсулотлари сотиш йиллик планларини ҳам анча ортиғи билан адо этди. Яна 5-10 кун ичида сут ва гўшт сотиш топшириқлари ҳам бажарилади.

Шаҳрисабзликлар партиямиз XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумлари қарорларини ана шундай жонбозлик билан амалга оширмоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан қилаётган ғамхўрликларига барча маҳсулотлар етиштиришни тобора кўпайтириш билан жавоб бермоқдалар.

З. СИРОЖИДДИНОВ,
Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари.

СОВЕТ — ПОЛЬША БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

15 октябрда Катта Кремль Саройида Совет — Польша баёноти имзоланди.

Баёнотни Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, Польша томонидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ В. Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Циранкевич имзоладилар. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси шарафига 15 октябрда қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Совет томонидан Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, партия, давлат, жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари 15 октябрда Москвадан Ватанига жўнаб кетишди.

Польша Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида поляк ўртоқларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Владислав Гомулка ва Юзеф Циранкевич ўртоқлар Совет Иттифоқида бир неча кун меҳмон бўлдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

15 октябрда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкога Ленин ордени ҳамда «Урок ва Болга» олтин медали топширилди. Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан А. П. Кириленкога Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди.

А. П. Кириленко ўз ишига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига самимий миннатдорчилик билдирди.

Мукофотни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний топширди. У, А. П. Кириленкога сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятида унга янги муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ АВСТРИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Совет ва Австрия томонлари ўртасида келишиб олинишига кўра, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шу йил 14 ноябрдан 21 ноябргача давлат визити билан Австрияда бўлади. (ТАСС).

СОВЕТ—ПОЛЬША ҚАРДОШЛИГИ

(Боши биринчи бетда).

Наҳотки, Вашингтон снёсатининг раҳбарлари ўзларини Европа ҳомийлари қилиб кўрсатмоқчи бўлганлари ҳолда, бундай даъволар ҳозирги пайтда нақадар бемаъни эканлигини пайқаб олмасалар?

Нотиқ айтдики, поляк дўстларимиз билан учрашиш вақтида Американинг Вьетнамдаги агрессиясидан, Шарқий-Жанубий Осиёда рўй берган воқеалардан келиб чиқадиган проблемалар яна батафсил қараб чиқилди. Бизнинг мамлакатларимиз, бизнинг партияларимиз, бизнинг халқларимиз, деди Л. И. Брежнев, АҚШ империалистлари томонидан жаҳончинг шу қисмида бошланган жиддий урушни қаҳрагазаб билан қораламоқдалар. Биз қаҳрамон Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам — снёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиб келдик ва кўрсатаверамиз.

Вьетнам масаласи юзасидан қўшма баёнотни ишлаш ва имзолаш Варшава Шартномасида қатнашувчи барча мамлакатларнинг позицияси ана шундай.

Бундай шароитда Вьетнам ватанпарварларини қўллаб-қувватлаш фронтини кенгайтириш вазифаси Шарқий-Жанубий Осиёда АҚШ агрессиясига муваффақиятли зарба бермоқ учун, халқларнинг империализмга қарши олиб бораётган бутун кураши учун ҳаётий муҳим вазифадир.

Шунинг учун ҳам барча социалистик давлатлар, бутун жаҳон коммунистлари, Вьетнам халқининг Америка империалистлари агрессиясига қарши курашини қўллаб-қувватлаётган барча соф виждонли кишилар Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг Вьетнамни ҳимоя қилиш йўлида биргаликда актив ҳаракат қилиш тўғрисида бошқа социалистик мамлакатлар билан бамаслаҳат бир қарорга келишдан бўйин товлаганликлари ҳақида қонт таассуфланмоқдалар ва бунга қаттиқ қораламоқдалар.

Хитой раҳбарлари, Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлари ҳозирги пайтда хусусан Вьетнамдаги уруш муносабати билан халқаро майдонда ўтказиб келаётган снёсат ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан ўтказиб келаётган снёсат, уларнинг партиямизга ва совет халқига қарши кучайтириб юборилган душманлик кампанияси, уларнинг халқаро коммунистик ҳаракатда амалга оширмоқчи бўлган бузғунчилик ҳаракатлари ва ниҳоят ҳозирги вақтда Хитойда «маданий революция» ниқоби остида содир бўлаётган воқеалар.— бўларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизмга, социалистик снёсатга тамомила зиддир, деб виждонан ва оққора гапирмаганимизда, биз коммунист-интернационалистчилар бўлмай, балки шунчаки риёкорлар бўлиб қолур эдик.

Ҳозирги вазият, деб таъкидлайди нотиқ, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш масаласини айниқса кескин қилиб қўймоқда. Коммунистик ҳаракат юз йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган тарихида кўп қийинчиликларга дуч келди ва бу қийинчиликларни ҳамиша моҳирлик билан бартараф қилди. Коммунистик ҳаракат ҳозирги кунда ҳар қачонгидан кўра

БУГУН — ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ДАСТУРХОНИМИЗ ЗИЙНАТИ

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари озиқ-овқат саноати ходимлари кунини биринчи марта байрам қилмоқдалар. Республикамиз ана шу тармоғи корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳамма ўз байрамларини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлаш учун ҳаракат қилиб, ишлаб чиқаришда қувончли натижаларга эришдилар.

Аслини олганда, Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг ҳақиқий тараққиёт йўлига кирди. Ҳозирги вақтда Каттақўрғон, Фарғона, Қўқон ёг-мой комбинатлари, Наманган консерва заводи, Янгиёўл кондитер фабрикаси, Фарғона ҳамда Урганч нон комбинатлари сингари ўнлаб корхоналар аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб етказиб бермоқда.

Корхоналаримиз янги техника ва прогрессив технология билан қуроллангалиги, уларда кўплаб поток линиялар, автоматлар ишлаб турганлиги маҳсулот тайёрлаш ҳажмини муттасил ошириб бориш, таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилашга имкон бермоқда. Кейинги етти йил мобайнида республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 64 процент кўпайди. Усимлик ёғи ишлаб чиқариш 41 процент, мева консервалари 73 процент, чой тайёрлаш 70 процент, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш уч баравар, совун ишлаб чиқариш икки ҳисса кўпайганлигини бу байрам кунида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлар.

Озиқ-овқат саноати корхоналари қутлуғ беш йилликнинг ўтган ойлари мобайнида ҳам яхши ишлади. Тўққиз ойда республика аҳолиси планга қўшимча равишда 6.100 тонна нон-булка, 2 минг тоннадан зиёдроқ оқланган ўсимлик мойи, 177 минг декалитр узум виноси ва бошқа маҳсулотлар олди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини мўлжалланганидан ҳам арзонлаштиришга муваффақ бўлинди. Нон-булка маҳсулотларининг хиллари кўпайди, мева ҳамда сабзавотлардан шарбат тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Консерваларнинг хиллари анча кўпайди. Ўрта Осиёда биринчи марта шоколад-майонеза, маргарин, шоколадларнинг янги сортларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон виносининг довруғи жаҳонга кетди. «Ширин», «Алеатико», «Ўзбекистон» каби 20 хил вино Халқаро конкурс ҳамда кўргазмаларда 59 та олтин, кумуш ва бронза медаллари билан мукофотланди.

Корхоналаримизда иш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Самарқанд, Андижон, Ғазалкент ва бошқа консерва заводларида янги автомат линиялар ўрнатилди. Бир қатор нон заводларида тандирлар ўрнида механизациядашган печлардан, поток линиялардан фойдаланилмоқда. 1963 йилда 32 минг тонна нон тайёрланган бўлса, ҳозирги вақтда йилига 68 минг тонна нон ишлаб чиқарилаётир. Қибрай, Булунғур, Қўқон, Самарқанд ва бошқа вино заводларида узумдан ичимликлар тайёрлайдиган механизациялашган поток линиялар ишлатилянти.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда дастурхонимиз безаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда пазанда бўлган ишчилар кўплаб кадрлар етишиб чиқди. Андижон ёг-мой комбинатининг ишчиси Абдураим Мамарэсуловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Тошкентдаги 1-нон заводининг мастери Назирова, Янгиёўл ёг-мой комбинатининг ишчиси Жўрабоев, Каттақўрғон ёг-мой комбинатининг ишчиси Сатторов, Самарқанд вино заводининг аппаратчиси Сулаймонов, Тошкент вино комбинатининг слесари Редина ўртоқларнинг номини республикамиз озиқ-овқат саноати ходимлари ҳурмат билан тилга оладилар.

Беш йиллик топшириқларини бажаришда кўпгина корхоналарнинг коллективлари алоҳида намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Иккинчи кварталда социалистик мусобақасида «Бўстонлиқ» бағдорчилик совхози биринчи ўринни эгаллади. Бу коллектив СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Тошкент вино заводи, Андижон ёг-мой комбинати, Тошкент булка-кондитер комбинати СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг кўчма Қизил байроқларини олишга эришди.

Ҳали ишимизда жиддий камчиликлар борлигини ҳам тан олиш керак. Камчиликларни бартараф қилиш учун ҳамма тадбирларни кўрамиз. Республика озиқ-овқат корхоналарининг меҳнаткашлари беш йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камида 34 процент, қоғозга ўралган ва тортиб-тайёрлаб қўйилган кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 2,5 баравар, макарон тайёрлашни икки ҳисса кўпайтириш тадбирларини кўрмоқдалар. Янги беш йиллида оқланган ўсимлик мойи тайёрлаш 33 процент, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш 60 процент ортади. Кўпгина янги озиқ-овқат саноати корхоналари барпо этилади.

А. ХУЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри.

Бугун яна байрам, яна тантана. Бугун мамлакатимиз озиқ-овқат саноати ходимлари ўз байрамларини биринчи марта нишонламоқдалар. Тошкент булка-кондитер комбинатининг меҳнатсевар коллективи байрам шарафига мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқаришда янги ютуқларни қўлга киритди. Тўққиз ярим ойлик план муваффақиятли бажарилди. Утган тўққиз ой мобайнида планга қўшимча равишда анчагина маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ерда нонларнинг турли-туман хиллари, ширинликларнинг янги-янги ассортиментларини ишлаб чиқариш тез ўзлаштирилмоқда. Суратда шу корхонанинг илғор ходимларидан Карима Толипова ва Баҳром Икромов ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар байрам арафасида баракали меҳнатлари учун муносиб тақдирландилар, «Шавкатли меҳнат учун» медаллари билан мукофотландилар.

М. Нуриддинов фотоси.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

МАЖБУРИЯТИМИЗНИ БАЖАРДИК

Коллективимиз аъзолари ўз байрамлари шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Йил бошидан буён планга қўшимча 337 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб пландан ташқари 945 тонна ёг ишлаб чиқарилди. 9 ойлик план муддатидан олдин адо этилиб, анчагина электр энергия ва бошқа материаллар тежалди.

Заводимизда ишлаётганларнинг ҳар бири ўз билим ва маҳоратини ошириб бормоқда. Бир киши аспирантурада, 7 киши институтларда, 22 киши техникумда сиртдан ўқимоқда. Ўнлаб ишчилар кечки ишчи-ёшлар мактабида билимини ошириптн.

О. КАМОЛОВ,

Учқўрғон ёг-экстракция заводининг бош технологи.

ИШ ЕНГИЛЛАШДИ

Шаҳрисабз консерва заводида анор шарбатидан уруғни ажратиб олишга ҳар йили куз мавсумида вақтинча ишлаш учун ўнлаб кишилар қабул қилинарди. Ижоднор ишчи ва мутахассислар бу жараённи механизациялашга муваффақ бўлдилар. Механик Н. Сулаймонов, Х. Осмонов, токарь Р. Бўриев, пайвандчи Р. Эргашев ўртоқлар бош механик П. Усеинов раҳбарлигида анордан уруғни ажратиб оладиган мослама яратдилар. Натижада бир сменада тўрт тонна анор уруғи ажратиб олинмоқда. Бундан 4 минг банка анор шарбати тайёрлаш мумкин. Шу тадбирнинг ўзи 90 ишчининг ўрнини босмоқда.

Н. ЛОЖКИН.

ПЕШҚАДАМЛАР

Денов ёг-экстракция заводи меҳнаткашлари тўққиз ярим ойлик планни барвақт бажардилар. Кейинги 9 ойнинг ўзида 1.972 тонна ёг ишлаб чиқарилди. Бу, план 108 процент бажарилди демандир. Байрам олди мусобақасида Ф. Каримов, Г. Ҳамидова, А. Тихонова, А. Абдужалилов каби ўнлаб ишчилар пешқадамлик қилдилар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик планни бажариб қўйишди.

Ғ. АҲМЕДОВ,

А. ҲОДИЕВ.

ҚУТЛУҒ БУРЧ

Гўшт ва сут саноати корхоналари ҳозирги кунда планлаштириш ва моддий манфаатдорликни оширишнинг янги системасига кўчишга жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Доимий ҳаракатдаги иқтисодий комиссиялар ишлаб чиқариш резерваларини изламоқдалар, иқтисодий анализ якунларини тўплямоқдалар, маҳсулот сифатини ошириш масалаларини ҳал қилмоқдалар, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш тадбирларини кўраётирлар.

Янгича ишлашга кўчиш натижасида аҳолини гўшт маҳсулотлари ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш яна ҳам яхшиланади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Республикамиз гўшт ва сут саноати корхоналари коллективлари бой тажриба тўплаганлар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Етти йилликда ялпи маҳсулот тайёрлаш топшириғи 102,3 процент бажарилди. Планга қўшимча равишда 21,2 миллион сўмлик гўшт ҳамда сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу йиллар мобайнида 6 та гўшт комбинати қуриб фойдаланишга топширилди. Янгидан анчагина цехлар барпо қилинди, мавжуд ишлаб чиқариш участкалари реконструкция қилинди, сут қабул қилиш пунктлари ва сепаратор бўлимларида механизмлардан кенг фойдаланиладиган бўлиб қолди.

Беш йиллик топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Министрлик бўйича тўққиз ойлик план 104,7 процент бажарилди. Республика аҳолиси қўшимча равишда анчагина гўшт, колбаса, мол ёғи, сут маҳсулотлари олди. «Андижон, Самарқанд, Тошкент гўшт комбинатларида тайёрланаётган колбаса, Бўстонлиқ, Одмалиқ, Тошкент сут заводлари маҳсулотлари аҳолига жуда манзур бўлмоқда. Гўштни қайта ишловчи ва сут корхоналари хилма-хил ярим фабрикатлар, пиширишга олдиндан тайёрлаб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдилар. Янгиёўл тажриба колбаса заводида тамоман янги схемадаги ускуналар ишлаб чиқаришга жорий қилинди, колбасалар тайёрлашнинг янги технологияси ўзлаштирилди.

Беш йилликда республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 40 процент, сут маҳсулотлари 64 процент, ишлоқ ноки баравар, ўраб-тайёрлаб қўйилган гўштлар 1965 йилдагига қараганда 5 баравар кўпаяди. Тошкентда Урта Осиёда энг йирик ҳисобланган гўшт комбинати қуришга киришилди. Бу корхона бир сменада 100 тонна гўшт маҳсулотлари ҳамда 35 тонна колбаса ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Қаршида гўшт комбинати, Хўжайлиқ сут заводи қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Келгуси йилда Тошкент шаҳрида яна бир сут заводи қуришга киришилади. Беш йилликда Бухоро, Нукус, Мўйноқ ва бошқа жойларда сут заводлари барпо қилинади. Шу тариқа беш йилликда марказлаштирилган тартибда сарфланадиган капитал маблағларнинг ўзидан 28,5 миллион сўм ўзлаштирилади. Бу, ўтган етти йиллиқдагига қараганда 4 баравар ортиқдир.

Министрлигимизга қарашли корхоналарнинг меҳнаткашлари ўзларига қутлуғ вазифа юклангалигини жуда яхши биладилар. Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлаб бориш бизнинг бурчимиздир. Аҳолининг ана шу ишончини оқлаш учун кураш мусобақасини яна ҳам авж олдираверамиз.

И. МАМАЖОНОВ,

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министри.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Москвадаги П. И. Чайковский номли Давлат консерваториясини Ленин ордени билан мукофотлади. Консерватория юқори малакали музикачи кадрлар тайёрлашда жуда катта муваффақиятларга эришгандиги учун ва ташкил топганлигининг юз йиллиги муносабати билан ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Консерваториянинг кўпгина ўқитувчилари ва ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Профессорлардан Я. И. Зак, Л. Б. Коган, К. Б. Птица, М. Л. Ростропович, В. Г. Соколов, Я. В Флиер, К. А. Эрделиларга СССР халқ артисти деган фахрий унвонлар берилди. (ТАСС).

ИРМОҚЛАР ҚЎШИЛИБ...

Олис тогликлардан яшил водийга томон жилдираб оқаётган жўшқин сойни кўрганмисиз? Тор сойи қоялар оша, чакалаклар оша йўлида неча ирмоқлар билан қўшилиб, лиммо-лим сувга тўлиб яшил водийга етганда, сермавж дарёга айланади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган корхонанинг йўлини ҳам ана шу жўшқин сойга ўхшатиш мумкин. Уттизинчи йилларда Тошкент консерва заводи ҳам оддий ўчоқ-қозонда қиём, томат пиширишдан, помидор ва бодринг тузлашдан иш бошлади. Ўзбекистон ишчилар синфининг тўнғич вакилларидан Аҳмаджон Саидов, Опахон Холқулова, Ҳайриддин Муҳиддинов, Мунира Ғиёсова сингари кишилар заводнинг бешигини тебратиб, тетапоя қилдириб оёққа турғиздилар. Уша вақтларда улар хонаки усулда, фақат қўл кучи ёрдамида йилига 700 минг банкага яқин консерва тайёрлашарди, холос.

Йиллар ўтиб корхона ўсди, улғайди, куч йиғди. Ватанимизда ва чет элларда тайёрланган замонавий, серунум агрегат-машиналар, автотранспортёрлар завод ишчиларининг жонига оро кирди. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг турлари ҳам кўпайди. Ҳозир республикамиздаги, айниқса пойтахтимиздаги қайси гастроном, озиқ-овқат магазинига кирсангиз, Тошкент консерва заводининг хилма-хил маҳсулотларини кўрасиз. Ойнаванд токчаларда сабзавот консервалари, мева шарбатлари, маринадлар, мураббо, жем-повидло, компотларни кўриб, кўзингиз қувонади. Ҳозирги кунда завод 21 группада 140 турда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Завод ҳозир бир суткада тайёрлаётган 400 минг банка консервани илгари ярим йилда ишлаб чиқарарди.

Завод одамларининг ҳам каслари такомиллашиб, малакаси ошиб борди. Инженер Шмоган Григорян бошчилик қилаётган тара-ишлашлар цехининг ишчилари меҳнатда ва ҳаётда бошқаларга ўрнак кўрсатиб, ўтган йили коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни қўлга киритишди. Шу цехнинг илғор ишчиси Аҳмаджон ака Саидов ҳар сменада тара-ящиклар учун нормадаги 8 минг ўрнига 14-15 мингтадан тахтача тайёрлайди.

Коммунистик меҳнат зарбдори, заводда чорак асрдан буён ишлаётган Саиджон ака Муҳиддиновни қўли гул ишчи деб бежиз айтишмайди. Орденли ишчи Саиджон ака ҳам мева, ҳам қиём, ҳам холва пиширади, ҳам шиша идишларни стерилизация қилади, ҳам маҳсулот жойлайди, хуллас, билмаган касби йўқ.

«Шавкатли меҳнат учун» медалининг соҳибаси, заводда Саиджон акадан бир йил илгари иш бошлаган Опахон Холқулованинг ҳам касбдошлари сидқидилдан ҳурмат қилишади. Опахон опа ҳозиргача илғорликни қўлдан чиқармай, ялпи автоматик линияда нормадаги 8 минг ўрнига 11-12 минг банка маҳсулотни закатка қилади, шиббалайди.

Завод коллективи ҳамиша изланиб, ижод қилиб ишлайди. Бу ерда рационализаторлик ҳаракати кенг қулоч ёзган. Завод бош механиги Анатолий Ким, слесарлардан Пётр Раконсин, Василий Лебеденко ва бошқалар шу йилнинг ўзида 27 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқдилар.

— Шулардан 25 таси ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, — дейди заводнинг меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Аҳмаджон ака Муҳамедов, — корхонамизга 43 минг 480 сўм иқтисодий фойда келтирди. Бу ҳали чек эмас...

Корхона ишчилари озиқ-овқат саноати ходимлари байрамини муносиб кутиб олиш учун ғайрат, шижоат билан ишладилар. Сафларида бир юз ўттиз киши — стишмаганлигига қарамай, завод ишчилари сентябрь ойи планини 110 процентга етказиб бажардилар. Кўпроқ мева, узум ҳисобига ишлашди, Тўққиз ойлик планни 102 процент қилиб адо этишди.

Тўкин-сочин, пишиқчилик пайтида сабзавот, мева маҳсулотларига катта эътибор берилса, бошқа вақтда ишчилар халқимизга миллий ширинликлар: холва, новвот, парварда сингари маҳсулотларни кўп етказиб берадилар.

Консерва заводида болалар учун ҳам роҳатижон маҳсулотлар ишлаб чиқарилянти. Турли-туман ширинликлар: мураббо, компот, мева шарбатлари тайёрланянти. Айниқса, яқиндан буён ишлаб чиқарилаётган ширинликлар: шакарли бодроқлар, тотли жўхори қаламчалари кичкинтойларга жуда хуш келади. Бу ҳам жўшқин сойга қўшилган ирмоқлардан бири.

Заводда шундай ирмоқлар бир-бирига қўшилиб, мавжланиб, тўла куч билан лиммо-лим «оқянти». Ҳа, у элимиз учун тўкин-сочинлик, серобчилик дарёсига айланянти.

М. МАҲМУДОВ,

П. ГАДОЕВ.

АМУДАРЁ ОДАМЛАРГА БЎЙСУНАДИ

«БУРЕВЕСТНИК» ТЕПЛОХОДИДА ЭКСПЕДИЦИЯ ⊙ 80 МИЛЛИАРД КУБОМЕТР СУВ СИҒАДИГАН СУВ ОМБОРИ ⊙ 300 МИЛЛИАРД КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ ⊙ СИБИРЬ ДАРЁЛАРИ ЁРДАМГА КЕЛАДИ.

Тошкент, Москва ва Ленинград олимлари ҳамда инженерларидан иборат экспедиция Амударёдан Ўзбекистон пойтахтига қайтиб келди. Экспедиция «Буревестник» теплоходида сузиб, Амударё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш юзасидан бош схема тузиш ишларининг бошлаб юборилиши муносабати билан ана шу дарёни текширишди.

Экспедиция қатнашчилари — бош схемаларнинг бош инженери Р. И. Бахтиёров ва «Гидропроект» институти Урта Осиё бўлими перспектив лойиҳалаш бўлимининг бошлиғи А. А. Бостанжогло ЎзТАГ мухбири илтимосига кўра ана шу лойиҳа тўғрисида қуйидагиларни гапириб бердилар.

— Амударёга алоҳида эътибор берилаётганлиги тасодифий эмас, ҳозирги вақтда Урта Осиёда сугориладиган деҳқончиликни кенгайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми белгилаб берган режалар Амударёнинг сув ресурсларини ўзлаштириш билан боғлангандир. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида етиштирилаётган пахтанинг анчагина қисми Амударё ҳавзаси ҳиссасига тушади. Янги бойликларни эса ҳали ўзлаштириш керак.

Лойиҳада Помир ва Ҳиндиқушдан Орол денгизигача 2.574 километрга чўзилиб кетган Урта Осиёдаги ана шу азим дарё бойликларини ҳар томонлама ва тўла ўзлаштириш кўзда тутилади. Дарёнинг сув ресурсларидан янги ер массивларини суғориш учунгина эмас, шу билан бирга ундан гидроэнергетикада, саноат ва коммунал эҳтиёжлар учун ҳам фойдаланилади. Кемалар қатнови ва балиқчилик янада ривож топади. Дейгиш соҳилларнинг ювилиб кетишига қарши кураш олиб бориш чоралари ҳам белгиланмоқда.

Ана шу проблемаларнинг ҳаммаси Амударёнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланишга қаратилган бош схемада ҳал қилинади. Бу схемани «Гидропроект» раҳбарлигида 20 га яқин институт ва ташкилот — «Средазгипроводхлопок», «Узгипроводхоз», «СоюзНИХИ», «САННИРИ», Москва Давлат университети, «Туркменгипроводхоз», «Таджикгипроводхоз» ва бошқа ташкилотлар тузмоқда.

Амударё ҳавзасида 30 га яқин гидравлик узеллар қуриш кўзда тутилади. Бу эса, дарё оқимини тўла тартибга солишни ва беш-етти миллион гектар унумдор ерларни суғориш имконини беради. (Ҳозирча бу ерда икки миллион гектарга яқин ер суғорилмоқда).

Амударёда ва унинг ирмоқларида 80 миллиард кубометр сув сиғадиган сув омборлари барпо этиш мумкин бўлади. Амударё ҳавзаси дарёларининг потенциал гидроэнергетика ресурслари 300 миллиард киловатт-соатга етиб қолади. Ана шу энергиянинг ярмини инсонлар учун осонлик билан хизмат қилдириш мумкин.

Шу вақтгача Амударё бойликларидан фойдаланиш юзасидан кўпгина лойиҳалар тузилган эди. Лекин бу лойиҳаларнинг ҳаммасида комплекс эмас, балки хусусий вазифалар ҳал қилинган эди. Бир қанча йирик лойиҳалар ҳозирдаёқ амалга оширилмоқда. Амударёга келиб қўшилувчи асосий манбалардан бири бўлган Вахш дарёсида 2,7 миллион киловатт қувватли Норак ГЭСи қурилмоқда.

Ўзбекистонда Амударё суви билан суғориб Қарши даштини ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Амударё суви билан Қорақум канали зонасидаги қўриқ ерлар суғорилади. Дунёда энг йирик бўлган 800 километр узунликдаги сунъий дарё Туркманистон пойтахти Ашхободга бориб қолди. Кейинчалик бу ноёб канални Каспий денгизигача етказиш кўзда тутилади. Амударё қуйисида биринчи бўлган Тахиатош гидротехника узели қурилмоқда.

«Гидропроект» институти Урта Осиё бўлимининг ва «Средазгипроводхлопок» инженерлари афғонистонлик ўз ҳамкасблари билан биргаликда Амударёга келиб қўшиладиган иккинчи муҳим манба — чегарадаги Панж дарёсидан комплекс фойдаланиш йўлларини қидирмоқдалар ва бунинг лойиҳасини тузмоқдалар. Лекин булар Амударёни жиловлашнинг амалга оширилаётган ва ишлаб чиқилаётган лойиҳаларнинг ҳаммаси эмас.

Ҳозир эса, мутахассислар олдига Урта Осиёдаги азим дарёнинг келажагини узил-кесил белгилаб берадиган лойиҳани тузишдан иборат жуда катта вазифа қўйилди. Амударёга ҳужум қилишга қаратилган бу бош план яқин 20-30 йил ичида амалга оширилса керак. Ана шунда Амударёнинг сув ресурсларидан тўла фойдаланилади. Урта Осиёдаги қўриқ ерларни шундан кейин ўзлаштириш учун эса Сибирдаги улкан дарёлардан сув олишга тўғри келади. Бу тадбир Орол денгизини белгиланган сатҳда сақлаш имконини беради.

Амударёга қилинган ана шу рекогносцировка экспедицияси вақтида дарёнинг бош схемасини тузиш ишлари программаси аниқланди. Дарёнинг қуйи ва ўрта оқимида гидроузеллар қуриладиган жойлар белгиланди, балчиқ ва лой тўпланадиган ҳамда сув оқимини тартибга солиб турадиган чуқур ҳавзалар қуриладиган ўринлар танланди, қўшимча гидрометрик станциялар қуриладиган жойлар белгиланди.

Амударё сувидан комплекс фойдаланиш бош схемасини тузиш ишларини 1968 йилда тугаллаш кўзда тутилади.

Жангговар фарзандларимиз ҳаётидан

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИ

Солдатлар дам олиш вақтида старшина Эгамбердиевнинг атрофини ўраб олдилар. Уларнинг ҳар бири ўт очишдаги ўз камчиликларини, бу ишда юксак ҳарбий маҳорат кўрсатган сафдошларининг номларини билишга ошиқардилар.

Старшина тўпланганларга Абдукаримов ҳақида илиқ сўзлар айтди. У уз тажрибаси ҳақида гапириб берди. Шу вақт кучли шамол эсиб, қум тўзонини осмонга кўтарди. Абдукаримов сўҳбатни бўлиб, ўз автоматига шошилди. Уни қўйган еридан олиб, чангини арта бошлади.

— Балли, азамат! — деди командир солдатнинг қуролни эҳтиёт қилаётганидан мамнун бўлиб. Бошқа жангчилар ҳам унга эргашдилар. Бир зумда уларнинг қуроллари олдида қум тепаликлари пайдо бўлган эди. Старшина ердаги бир автоматни қўлига олди. Унинг стволига анчагина қум кириб қолган эди.

— Бу кимнинг қуроли? — сўради у.

— Менинг, — деб жавоб берди солдат Бекеш. — Ҳозир тозалайман, — деди у, ўзини оқлашга урниб.

— Сизни огоҳлантираман. Қуролни кўз қорачиғидек сақлаш керак, — деди командир қатъий.

Коммунист Қамбарали Эгамбердиев ҳам солдатларга ўз қўлларидаги қуролни яхши сақлаш кераклигини уқтириб ўтди.

Дарҳақиқат, жанговар ўқув тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, агар жангчи ўз автомати ёки пулеметини яхши сақлаб, уни пухта ўрганса жанговар қурол ҳеч қачон ўз эгасининг юзини ерга қаратмайди. Шунинг учун ҳам ҳарбий қасамёд. Совет Армияси Устави барча ҳарбий хизматчиларга жанговар қуролни ҳар доим жангга шай ҳолда тутиш вазифасини юклайди.

Старшина Эгамбердиев хизмат қилаётган бўлинмада жанговар қуролни намунали сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда унинг ўзи бошқаларга намуна бўлмоқда.

— Рота бўйича навбатчи буйруқ берди:

— Қуролни тозалашга киришинг.

Шу куни ана шу тадбирда сержантлар иштирок этмадилар. Улар план бўйича ўтказиладиган методик машғулотда эдилар. Навбатчи буйруғидан сўнг старшина солдатларга қуролларни олишни буюрди. Солдатлар қуролларини тозалай бошладилар. Старшина солдат Темирқаев ствол каналини накладкасиз тозалаётганини сезиб қолди.

— Тўхтанг! — буйруқ берди старшина.

У солдатга ствол накладкасиз тозаланса, канал қирилиши мумкинлигини айтди. Оддий солдатлардан Абдукаримов, Бойқобилов ва бошқаларга эса ҳеч қанақа танбеҳ бермади. Чунки, улар жанговар қуролни доим яхши сақлайдилар. Ҳозир ҳам улар ўз қуролларини яхшилаб тозаламоқдалар.

Ствол каналларини тозалаб бўлгач, солдатлар автоматларини старшинага олиб келиб кўрсатдилар. Старшина жуда хурсанд бўлди ва қуролни мойлашга рухсат берди.

— Жанговар қурол совет кишилари қўли билан яратилган, — дейди Эгамбердиев. У бизга коммунизм қурувчиларнинг тинч меҳнатини сақлаш учун бериб қўйилган. Бизнинг вазифамиз уни кўз қорачиғидай сақлашдир.

Яқинда Қамбарали Андижон область. Янгиқўрғон районидаги «Октябрь» колхозида яшовчи отаонасига хат ёзди. У ўз хатида қуйидагиларни билдиради: «Она-Ватанга халол хизмат қил, деган наказингизни шараф билан бажармоқдаман». Дарҳақиқат, Ўртоқ Эгамбердиев Совет Ватанининг жанубий чегараларининг ишончли ҳимоячиси ҳисоблана-ди.

Подполковник Ф. ЛОБЗИН.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

МЕДИЦИНА ШАҲАРЧАСИ

Денов. Ульянов ва генерал Собир Раҳимов номли колхозлар чегараси туташган жойда йирик медицина шаҳарчаси қурилиши қизиб кетди. Бу ерда 120 ўринга мўлжалланган иккита икки қаватли бош корпус қурилиб битказилиш арафасида турибди. Бундан ташқари бир қанча хоналар, врач кабинетлари, операция зали ва бошқа хоналарга эга бўлган уч қаватли хирургия корпуси, унинг чап қанотида акушергинекология бўлими, ўнг томонида эса болалар корпуси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Янги шаҳарчада жуда кўп иншоотлар комплекси қад кўтаради. Булар жумласига ошхона, аптека, клуб, лекция зали, сабзавот ва мева сақлайдиган бино ва бошқа кўплаб қурилишлар киради. Медицина шаҳарчасида ишлайдиган ходимлар учун 12 квартирали уй-жойлар қуриш ҳам планлаштирилди.

Шаҳарчани Деновдаги 979-ҮНР коллективи қурмоқда. Улар келгуси йилда барча қурилиш ишларини қўлдан чиқазиб, шаҳарчани фойдаланишга топшириш учун мусобақани қизитиб юбордилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон металлургларининг шаҳри Олмалиқ кун сайин ободонлашаётир. Шаҳарда янги кўчалар, хиёбонлар бунёдга келаётир. Суратда: сиз шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири Ленин номли кўчани кўриб турибсиз. Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ЦЕХ

Хоразм область, Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда янги тикувчилик цехи ишга туширилди.

Цехнинг уста тикувчиси Ҳабибулла Матёқубов колхозчиларнинг буюртмаларини ўз вақтида сифатли тикиб, қишлоқ аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Ш. ИСМОИЛОВ.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи ҚҚАССР ва Сурхондарё областида ҳаво ўзгариб турса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Қолган областларнинг, айрим районларида бир оз ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат 15-20, айрим жойларда 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, бир оз ёмғир ёғади. Кечаси 10-12, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЕРАСИ

Тошкентдаги қурилишларга дастлабки бир туркум фанера келтирилди. Бу фанера шимолдан ташиб келтирилгани йўқ, буни Янгийўлдаги мебель фабрикаси теракнинг маҳаллий гури—туранг ёғочидан ишлаб чиқара бошлади. Янги корхона замонавий техника билан ускуналанган. Бу эса, йилига 600 минг квадрат метр фанера ишлаб чиқариш имконини беради. (ЎзТАГ).

ҚАШҚАДАРЁДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область музикали драма театри яқинда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Ўликлар кечирмайди» номли асарини саҳналаштириб, томошабинларга тақдим этди.

КОЛХОЗДА АТС

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозда автомат телефон станцияси ишга туширилди. Айни кунларда колхоз идораси, болалар боғча ва яслилари, барча дала шийпонлари телефонлаштирилмоқда.

САБЗАВОТ ВИСТАВКАСИ

Область ижроия комитетининг биносида сабзавот виставкаси очилди. Виставкада область колхоз ва совхозларида етиштирилган турли хил маҳсулотлардан намуналар қўйилган.

Б. ОТАҚУЛОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг зарбалари

ПАРИЖ, 14 октябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари бугун Сайгондан 250 километр шарқи-жанубда жойлашган Шокчанг ҳарбий ҳаво базасини миномётдан ўққа тутдилар.

Партизанлар Куангчи шаҳридан 16 миля ғарби-шимолда Американинг бир вертолётини уриб туширдилар. Франс Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан ана шу ҳақда хабар беради.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми

БУДАПЕШТ, 14 октябрь. (ТАСС). МТИ агентлиги хабар беради кеча Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар раислигида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ПАРИЖ, 15 октябрь. (ТАСС). Болгария ҳукумат делегациясининг бошлиғи Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Тодор Живков кеча ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, кейинги вақтлардаги алоқалар тўғрисида Франция билан Болгария ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун янги шароит вужудга келди, деб айтди. Шу нарса равшан бўлдики, деди у, кўпгина проблемалар хусусида иккала мамлакатнинг мақсадлари бир-бирига яқин ва ҳатто ўхшашдир. Европа хавфсизлиги сингари муҳим проблема шундай масалалар қаторига киради. Европа давлатлари чегараларининг дахлсизлиги Европа хавфсизлигининг асосий шартидир. Тодор Живков Болгария билан Франция ўртасида савдо-сотиқни ва маданий алоқаларни кенгайтириш учун кулай имкониятлар борлигини таъкидлаб ўтди. Ў. Американинг Вьетнамдаги агрессиясини қоралади ва болгар халқи Вьетнамнинг курашаётган халқига зарур ёрдам кўрсатишга тайёр, деб айтди. Т. Живков матбуот конференциясининг пировардида самимий кутиб олганлиги учун француз халқига миннатдорчилик билдирди ва президент де Голль билан қилган суҳбатидан роят мамнун эканлигини айтди.

Вақшиёна ҳужумлар давом эттирилмоқда

ХАНОЙ. 15 октябрь. (ТАСС). 7-флот кемаларида, шунингдек Жанубий Вьетнам ва Таиланддаги базаларда жойлашган Америка самолётлари 13 октябрда Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини бир неча марта бузиб ўтди ҳамда Виньлинь районидаги, Куангбинь, Хатинь, Нгеан. Намха ва бошқа вилоятлардаги аҳоли зич яшайдиган районларни ва саноат объектларини, шунингдек Катба оролини бомбардимон қилди ва ўққа тутди. Америка самолётлари шу куни Винь шаҳрини бомбардимон қилиб, демилитаризация қилинган зонанинг шимолий қисмидаги аҳоли яшайдиган жойларга зарбалар берди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Америка ҳарбийларининг бу янги жиноятларга ҳаракатлари муносабати билан Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси «Вьетнамдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга норозилик мактуби юборди.

АГРЕССИЯ ПЛАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 14 октябрь. (ТАСС). 1967 йилнинг охирига бориб, АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги солдатлари сони камида 500.000 кишига етади, деди сенатнинг ҳарбий тайёрлик бўйича кичик комиссияси раиси Стэннис.

Сенатор юқори мартабали бир генералнинг маълумотига асосланиб, Американинг Жанубий Вьетнамдаги экспедиция корпусидаги солдатлари сонини 750 минг кишигача кўпайтириш эҳтимоли бор, деди.

Стэннисниг айтишича, Вьетнамдаги уруш америкалик солиқ тўловчилар учун ҳар ойда икки миллиард долларга тушади. Стэннис, АҚШ мудофаа министри Макнамара кеҳгуси йил январида Вьетнамда уруш олиб бориш учун яна 10-15 миллиард доллар ажратишни сўраб конгрессга мурожаат қилади, деди.

Ж. ПОМПИДУ БОЛГАРИЯГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

ПАРИЖ, 14 октябрь. (ТАСС). Францияда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков Франция бош министри Ж. Помпидуни расмий визит билан Болгарияга келишга таклиф этди. Ж. Помпиду ва ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль кеча кечқурун **Т. Живков** ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берган вақтда Т. Живков уни Болгарияга таклиф этди.

Т. Живков зиёфат вақтида сўзга чиқиб, бундай деди: «Давлатларимизнинг сиёсий ва социал системалари турличадир, лекин бизни бирлаштирадиган мақсад ва вазифалар ҳамкорлик қилишимизни тақозо этади». «Менинг фикримча, ҳозирги музокаралар халқларимизнинг манфаатлари йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчлик йўлида биргалашиб ҳаракат қилмоғимиз учун янги восита бўлади».

Тодор Живков сўзининг охирида Франциянинг равнақи учун, Франция-Болгария дўстлиги ва ҳамкорлиги учун қадаҳ кўтарди.

СУДЬЯ СУДЛАНДИ

Мануэль Фернандес Мартин кўп йиллар давомида франкочи юстиция идораларида ишлади. У 1958 йилдан 1963 йилгача Мадриддаги Дель Релох кўчасида ҳарбий суднинг прогрессив испан арбоблари иши кўрилган кўпгина маҳкималарида иштирок этди. Бу фашист чиқарган ҳукмлар орасида минглаб қамоқлар, шу жумладан 5 та ўлим ҳукми бор. Унинг талабига биноан бир вақтлар ҳарбий суд Испаниякинг таниқли ватанпарвари Хулиан Гримауни ўлим жазосига ҳукм қилган эди.

Шундай бир вақтнинг ўзида Фернандес Мартиннинг юридик ишлар билан шуғулланишига имкон берадиган ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ бўлиб чиқди. У қасамёд қилиб, ҳужжатларининг гражданлар уруши даврида йўқолиб кетганини айтди. Фернандес Мартиннинг инквизаторлик уринишлари Мадрид маъмурларига ёқиб тушарди. Шунинг учун ҳам улар ҳеч қандай ҳужжат талаб қилмадилар.

Бироқ, 29 сентябрь куни Испаниянинг ҳарбий юстицияси олий кенгаши Фернандес Мартинни ҳеч қандай асоссиз суд органларига ишга киргани учун 1,5 йил турмага қамаш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Мартиннинг судьялик курсисидан ажралиши унинг Хулиан Гримауни ўлим жазосига ҳукм қилишдаги роли билан боғлиқдир. Ана шу жиноят натижасида кўтарилган норозилик тўлқинлари Франко ҳукуматини сиёсий ишларни ҳарбий трибуналларда кўришни бекор этишга мажбур қилди. Фернандес Мартин ўз лавозимидан бўшатилди, 1964 йилнинг апрель ойида эса мадридлик адвокатлар Антонио де Казес ва Мартинес дель Ринкон Хулиан Гримаунинг айбловчисини судга беришни расмий равишда талаб қилдилар. Чунки қонунга биноан у бу процессда қатнашишга ҳақли эмас эди.

Испания ҳарбий юстицияси органлари Фернандес Мартиннинг жиноятларни кўришга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги масалани текширишдан икки ярим йилдан кўпроқ вақт бош тортиб келдилар. Ички ишлар министри Алонсо Вега унга тўғридан-тўғри ҳомийлик қилгандай бўлиб чиқмади. Мадрид адвокатларини Париж, Лондон, Прага ва бошқа пойтахтларнинг юристлари ҳам қувватлаб чиқдилар. Гримаунинг жаллодини фош қиладиган ҳужжатларни рад этиб бўлмай қолди. Узоқ сансалорликдан кейин пировардида Испания юстициясининг «обрўсизлиги» қаламга олинмоқда. Бироқ, иш улар ўйлагандай бўлиб чиқмади. Мадрид адвокатларини Париж, Лондон, Прага ва бошқа пойтахтларнинг юристлари ҳам қувватлаб чиқдилар. Гримаунинг жаллодини фош қиладиган ҳужжатларни рад этиб бўлмай қолди. Узоқ сансалорликдан кейин пировардида Испания юстициясининг «обрўсизлиги» қаламга олинмоқда. Унинг уруғи дарахтларнинг тагига сепилади.

Одатдаги бодринг йиғиб олингандан кейин сабзавотчилар июль ойининг иккинчи ярмида «Шох хиёр» уруғини сепган эдилар. Ҳўжаликларда айрим бодринг тупларидан 10 килограммгача ҳосил олинмоқда.

ЛУИ САЖЕНИНГ ФРАНЦИЯ СОМАЛИСИ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 14 октябрь. (ТАСС). Франция Сомалиси губернатори Луи Саже Аддис-Абебада Франс Пресс агентлигининг мухбирига қуйидагиларни айтди: Франция Сомалиси аҳолисининг кўпчилиги мустақилликни талаб қилганида ҳам, Франция бу мамлакатдан дарҳол чиқиб кетмайди. Луи Саже Эфиопия пойтахтида Франция—Эфиопия гемир йўлининг бюджет сессиясида қатнашмоқда. Бу сессия ҳар йили ўтказилиб турилади.

Луи Саже айтдики, референдум 1967 йилнинг март ва июль ойлари ўртасида ўтказилади. Франция Сомалисининг аҳолиси ана шу референдум вақтида бу мамлакатнинг истиқболи тўғрисида — тамомила мустақил бўлиш ёки Франция билан ассоциацияда бўлиш тўғрисида ўз фикрини айтади.

Франция Сомалиси — Франциянинг Африка қитъасидаги сўнгги мустамлакасидир. Франциянинг ҳарбий денгиз кучлари бу территориянинг маъмурий маркази Жибутидан фойдаланмоқдалар. Жибути йирик порт ҳамдир.

Воқеалар, фактлар, ҳангомалар

ДАРАХТДАГИ БОДРИНГ

Катта Кавказ тоғи этакларида ғалати ҳосил йиғиб олинмоқда. Айрим боғларда дарахтларда оддий мева ўрнига бодринг етиштирилган. Гап шундаки, Закатал, Белокан, Каҳ районларида халқ томонидан яратилган «Шох хиёр» деб аталувчи бодринг етиштирилмоқда. Унинг уруғи дарахтларнинг тагига сепилади.

Одатдаги бодринг йиғиб олингандан кейин сабзавотчилар июль ойининг иккинчи ярмида «Шох хиёр» уруғини сепган эдилар. Ҳўжаликларда айрим бодринг тупларидан 10 килограммгача ҳосил олинмоқда.

ТОШ АСРИНИНГ ЖАРЛИКЛАРИДА

Совет археологлари бундан 5,5 минг йил муқаддам яратилган нодир санъат асарларини топдилар. Эрмитажнинг илмий ходими Александр Микляев Невель ёнидаги Усвят кўлида сепоялар устида вужудга келган қадимий аҳоли пункти—машҳур «Псков Венециясі»ни қазиш пайтида неолит даврига мансуб бўлган ҳайкалтарошларнинг асарларини топди. Суякдан ва дарахтдан ўйиб ишланган буюмлар асрлар бўйи «Дарахт эстакадасида» яшаган кишилар ҳаётига жон киргизади.

**Охирги мавсумда топилган топилдиқлардан бири эркак кишининг ҳайвон шохидан ясалган митти ҳайкалидир. Ҳайкалча ёнғоқ пўчоқлари орасида, тош асрининг жарликларидан топилди. А. Микляевнинг тахмин қилишича, у «кўллик одамлар» сиғинган ибодатхонасидаги ибодатгоҳ бўлиб, ибодатхонадаги ибодатгоҳ бўлиб, ибодатхонадаги ибодатгоҳ бўлиб, ибодатхонад